

ИСЛОМ ШАРИАТИДА ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Мухтор Акрамов

тадқиқотчи

Аннотация. Уибү илмий ишда Ислом шариатида жиноят тушунчаси ва унинг турли жиҳатлари, жумладан, "ҳад" (жиноий жазолар) тушунчасининг маънолари, турлари ва амал қилиши қоидалари ўрганилади. Ҳад, араб тилида "тўхтатиш" ва "чора кўриш" маъноларини англатади ва Куръон ҳамда Суннатга асосланиб, маълум жиноятлар учун белгиланган жазоларни ифодалайди. Мақолада "ҳад" туридаги жазоларни белгилашда қўлланиладиган мезонлар, жиноий жазоларни белгилашда турли фикҳий мактабларнинг ёндашувлари ва уларнинг ижтимоий адолатни таъминлашдаги роли келтирилади. Шунингдек, Исломда жиноий жазоларни белгилашнинг мақсади, жамиятда тинчлик ва тартибни саклашга қаратилганлиги таъкидланади.

Калим сўзлар: Ислом шариати, Жиноят тушунчаси, Ҳад жазолари, Ижтимоий адолат, Куръон ва Суннат, Фикҳий мактаблар, Жазоларни белгилаш.

Ҳад масаласини ўрганишдан олдин унинг луғавий ва истилоҳий маъноларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳад сўзининг луғавий маъноси: Араб тилида ҳад сўзи охиридаги (дол) ташдидли бўлиб келади, кўплиги эса, (худуд) шаклида келади. Ҳад - “тўхтатиш, чора кўриш”- маъносини ифода қиласи.¹

“Ислом энциклопедияси”сида ҳад тушунчасига қуйидагича: тўхтатиш,

¹ Абу Бакр ибн Абдулқодир ар-розий. Мухторус- сихоҳ. – Миср: “Вулоқ ал-мисрийя”. 1907. – 396 б.

www.pedagoglar.org

12-to'plam 1-son oktabr 2024

чора кўриш, Қуръон ва Суннатга қўра, одоб-ахлоқ ва жамоат тартибига доир жиноятлари учун бериладиган жазолар: қуфр, бузуқлик, сохта гувоҳлик, тухмат қилиш, ичлиликбозлик, ичириб маст қилдириш, қуморбозлик, савдо қоидаларини бўзиш, қаллоблик ва бошқа маъноларни ифодалаши”² каби умумий тарзда тушунтирилган. Фикримизча, мазкур тушунча нафақат ҳад туридаги жиноятларга берилган таъриф эмас, балки ислом ҳуқуқидаги жиноятларга нисбатан ҳам билдирилган умумий тушунчадир. Аслида ислом ҳуқуқида турли мазҳаблар учун умумий бўлган таълимотга қўра, жиддий ҳисобланган ҳар қандай гуноҳ ёки жиноят мусулмон тақиқларини бузганлик учун жазога лойит ҳатти-ҳаракатлар сифатида қаралади. Қолаверса, “шунинг учун ҳам олимлар (уломалар) фикрига қўра, ҳуқуқий жиҳатдан ғайриқонуний ҳисобланган - мусулмон ҳуқуқи қоидаларидан четга чиққан ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар фақатгина “дунёвий” санкциялардангина эмас, шу билан бирга улар диний жиҳатдан гуноҳ ҳисобланиб, охират жазосига ҳам сабаб бўлади”³ қонунбузарликка Оллоҳ иродасига бўйсунмаслик сифатида баҳоланади.⁴ Ислом ҳуқуқига оид манбаларда ислом ҳуқуқидаги жиноятларга турлича таъриф берилганига рувоҳ бўламиз масалан Б.Маргинонийнинг “Ҳидоя” асарида “жиноят деб, қонун тилида шахсга ва мулкка қарши қаратилган қонун билан тақиқланган қилмиш тушунилади”⁵ дейилган бўлса “Мухтасар” да “жиноят” сўзи луғатда жиноят ва гуноҳ маъносини, шариат истилоҳида одамнинг жонига ё аъзоларига зарар келтириш маъносини⁵ англатиши қайд этилган.

Ҳад айрим шахсга нисбатан эмас, балки қонун қатъий белгилаб қўйилган жиноятларга нисбатан қўлланилгани учун томонларнинг келишуви ва авф этиш мумкин эмас. Ҳад жазоси тайинлангандан сўнг сўзсиз ижро этилмоғи шарт. Ҳад фақат суднинг ҳукми билан берилади. Унинг турлари бир нечта.

² Ислом энциклопедияси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент 2017.-244 б.

³ Мавжуда Ражабова ҳуқуқ ва адолат : ўтмиш, бугун ,истикбол”, Тошкент,”Юрист- медиа маркази” нашриёти,2009, 76 б.

⁴ Ўша асар 76 б.

⁵ Ўша асар 76 б.

Масалан дарра уришда 40 дан 100 тагача қамчи ёки калтаклаш билан амалга оширилади. Ҳаддан ташқари ибратли жазо тури (таъзир) ҳам қўлланиши мумкин. Жазо ўтаб бўлингач, албатта тавба ва каффорот қўлланади. Жумладан, Усмонийлар давлати давридаги Туркияда ҳад йирик пул жаримаси тўлаш билан алмаштирилиши мумкин бўлган. Мана шу тартиб қўпгина ислом давлатлари қонунчилигига томонидан қабул қилингани ҳақидаги фикр манбаларда учрайди.

Ўзбек тили изоҳли луғат асарида ҳад тарзда жиноий жазо тушунчасига қуидагича: “даражা, чек, чегара, охир, поён, ниҳоя,” деб таъриф берилган.⁶

Аллома Рогиб Асфаҳоний ўзининг “Мўжам муфродаату алфазил қуръон” асарида ҳад сўзига қуидагича: яъни “у икки нарсанинг ўртасини ажратиш учун қўйиладиган чегара, белгиdir” - деб ифодалаган. Масалан, зино ва ароқ ичиш ҳад деб айтилади, сабаби, шу ишни қилаётган кишини ушбу ишга одатланиб қолишдан тўсади, бошқаларни эса, бу ёмон йўлдан юришига тўсиқ бўлади.⁷

Аллоҳ таоло: Бу Аллоҳнинг чегараларидир, унга тажовуз қилманглар”- деб Қуръни каримда марҳамат қилган.⁸

Исмоил Баётий эса “Аҳком ва уқубатларга оид фиқхий қоида ва мезон” асарида ҳад туридаги жиноятларга қуидагича: Таъқиқлаш, икки нарсани ўртасини ажратиш, масалан, араб тилида қамоқхонани тўсиқ деб айтилади. Чунки, жазони ўтаётган маҳкумни ташқарига чиқишдан тўхтатади. Ҳудди шунингдек, жазолар ҳам ҳадлар деб аталади, чунки, жазолар инсонларни Аллоҳ таоло белгилаб қўйган хукмлардан ташқарига чиқмасликка тўсиқ, парда бўлади, деб таъриф берилган.

Ҳад туридаги жазолар шариат истилоҳида: Аллоҳнинг ҳаққи бўлгани учун бажариш вожиб бўлган, қатъий белгиланган жазодир. Араб тилида иқоб (уқубатун) сўзининг кўплек шакли бўлиб, тақиқланган ишни қилмаслик учун

⁶ З.М. Маруфов. Ўзбек тилинг изоҳли луғати. Москва “Рус тили” нашриёти. 1981. – 472 б.

⁷ Аллома Рогиб ал- Асфаҳоний.” Мўжам муфродаату алфазил қуръон”. “Дорук фикр” нашриёти. Байрут. 2009. – 84 б.

⁸ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад юсуф. “Тафсир ҳилол”. Шарқ нашриёти, Тошкент. 2008. 1- жилд. 408 б,

эҳтиёт чора сифатида, қайтариқ ўлароқ ислом шариати белгилаган жазо ҳамда азобдир. Шаръий ҳадлар жиноят содир бўлишидан аввал чегара, таъкиқ вазифасини бажарса, содир этилгандан сўнгра, таҳдид ва тузатувчи вазифасини бажаради. Ушбу ҳад туридаги жазолар Қуръон карим ва суннатдаги оят ёки ҳадислар (таълимотлар) билан собит бўлгандир.⁹

Машҳур фақих, Мулла Алий Қорий Убайдуллоҳ ибн Масъуд Маҳбубийнинг “Мухтасарул Викоя“ асарига ёзган шарҳида ҳад сўзини: Ҳад логика (мантиқ) фанидаги таъриф маъносини билдиради, яъни ҳад – умумий бир мавзудаги маънони тўлиқ қамраб олиб, бошқа маънони юкланишини чеклайди, деб таърифлаган. Масалан, ислом хукуқ тизимида “ ҳад” сўзи ишлатилганда, ислом қонунчилиги бўйича содир этилган ҳад туридаги жиноий жазолар қисми назарда тутилади.

Шариат истилоҳида ҳад: Аллоҳнинг ҳаққи бўлгани учун қўлланиши зарур бўлган, яъни вожиб бўлган, қатъий белгиланган жазодир. Чунки, жазо ҳар доим бирон бир жиноятни содир қилмоқчи бўлган кишиларни жиноят қилишдан қайтаради. Худди шунингдек, айнан ҳад сўзи Аллоҳнинг ҳаром қилган ишларга яқинлашмаслик маъносида ҳам ишлатилади. Шу билан бирга, ҳадд сўзидан Аллоҳнинг ҳукмлари маъноси ҳам мавжуд бўлиб, у зотнинг ҳукмларига тажовуз қилманлар, оёқ ости қилиб ўтманглар маъносини ҳам ифода этади, деб таъриф берилган.¹⁰

Абдулҳай Лакнавий Бурҳониддин Марғилонийнинг “Ҳидоя” асарига ёзган шарҳида: Ҳад сўзи луғатда, араблар эшик қоровулларини (ҳаддод) посбонлар, деб чақиришган, чунки, бу кишилар инсонларни дарвозадан киришларига рухсат бермаганлар, деб таърифлаган.

Шариат истилоҳида эса: Аллоҳнинг ҳаққи бўлгани учун, вожиб, қатъий белгиланган жазодир. Қасос иши ҳад туридаги жазоларга киритилмагани сабаби, унда банданинг ҳаққи аралашиб қолганидир. Таъзир туридаги

⁹ Доктор Умар Абдул гоффур Мухаммад ал- Баётӣ. “Ал – коваид ва зовабит фил аҳкам ва укубат”. Дорул кутуб илмий; Лубонон. 2019. 95 б.

¹⁰ Мулла Алий қори. ”Фатху бобул иноя“. Миср: Дорул Арқам ибн Арқам нашриёти: Байрут.2009.3- жилд. 195 б.

жазоларни ҳам ҳад жазосига киритикмаслигини боиси, таъзир миқдори шариат соҳиблари томонидан қатъий белгилаб қўйилмаганидир.¹¹

Аллома Низом ва бир гурӯҳ катта Ҳинд алломалари ўзларининг “Ал-Фатово Ҳиндијя”, асарида: Ҳад - Аллоҳнинг ҳаққи бўлгани учун, вожиб, қатъий белгиланган жазодир. Ҳад жазосига қўшимча қилиб, қуидагиларни айтган:

Ҳаднинг асоси (рукни) – раҳбар ёки унинг ноиби ҳад жазосини ижро қилиши керак.

Ҳаднинг шарти эса мазкур жиноятнинг содир этган киши ақли расо, яъни соғлом фикрли, гапи эътибор лойиқ инсон бўлиши керак, акси ўлароқ, жинни, маст, bemor, ногирон кишиларга ҳад жазоси жорий қилинмайди, фақатгина касал одам соғайгандан кейин, маст ўзига келгандан кейин ҳад жазоси қўлланади.

Ҳаднинг асосий моҳиятида (аслий ҳукми) – инсонлар зарар қўрадиган нарсаларни улардан бартараф (даф) қилиш ва ислом юртини ҳар хил жиноятлар ёки бузғунчиликлар содир бўлишидан сақлаш ва ҳимоя қилишдир. Ҳад жазосини қўллашдан асосий мақсад, жиноятчини содир этган гуноҳидан поклаш эмас, аксинча, сиёsat ўлароқ қайтаришдир. Гуноҳдан холи, пок бўлиш учун эса, албатта, жиноятчи тавба қилиши шарт эканлигидир. Масалан, мусулмон каби бошқа дин вакили бўлган кофир инсонга ҳам ҳад туридаги жазо қўлланилади. Бундай ҳолатларда у кофирилигича қолади, шу боис у гуноҳидан покланмайди. Ҳад жазоси унга сиёsat нуқтаи-назардан, яъни жамиятдаги барча инсонлар учун ўрнатилган тартиб, қоида ўлароқ қўлланилган ҳисобланади.¹²

Имом Алоуддин Косоний Ҳанафий ўзининг “Бадоиу-с-саноиъ фи тартиби-ш-шарои” (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар) асарида ҳад жазоси луғатда: Араб тилида эшик қоровулларини (ҳаддод)

¹¹ Аллома, шайх Абдулҳай Лакнавий. Ҳошияту лил хидоя фий бидоятул мубтадий. Истанбул. “Дорул кутубул арабийя” нашриёти, 2018. 4- жид. 68 б.

¹² Аллома Низом. Ал- фатаво ҳиндијя. Лубнон. “Дорул кутуб илмийя” нашриёти, 2015.2- жилд. 158 б.

посбонлар, деб аталган, чунки, бу кишилар инсонларни дарвозадан киришларига рухсат бермаганлар – деган мъйони англатишини таъкидлаган.

Косоний Ҳанифий фикрларини давом эттириб, шариат истилоҳида эса ҳад Аллоҳнинг ҳаққи бўлгани учун, вожиб, қатъий белгиланган жазодир, деб тушунтирган. Яна Косоний Ҳанифий таъзир туридаги жазо ҳақида ҳам фикр билдириб шундай деган: таъзир туридаги жазоларни ҳад жазосига киритмасликни сабаби, таъзир миқдори шариат қонун-қоидаларини (соҳиблари) ишлаб чиққан уломалар томонидан қатъий белгилаб қўйилмаганидир. Баъзи вақтда қатъий огоҳлантириш, айрим ҳолда калтаклаш билан таъзир берилган, яъни таъзирнинг аниқ тури ёки миқдори қатъий белгилаб қўйилмаган.¹³

Қасос туридаги жазонинг ҳадд туридаги жазоларга киритиласлигини сабаби эса, унда банданинг ҳаққи аралашиб қолганидир, деб таъкидлаган Косоний Ҳанафий. Зеро, қасосда ўлдирилган кишининг меросхўрига (эгасига) жиноятчini кечириш ва у билан келишиш ёки ярашиш хуқуқлари мавжуддир.

Юқорида зикр этилганлардан хulosа шуки, бир гурӯҳ жиноятлар умумий тарзда “ҳад” деб номланишига сабаб, бирор бир жиноят содир этган кишининг ўзи, шу жараёнда зарар кўрмаган, яъни шикастланмаган бўлса, унинг такроран жиноятга кўл уришига тўсиқ қўйилди деб ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу жазони ўз кўзи билан кўриб, гувоҳи бўлган кишиларни ҳам ўша ишни қилишдан тўсиб турди. Чунки, жиноятчи ушбу ишни бевосита ўзи қилган бўлса, ушбу жазо оқибатларини шахсан ўзи тассавур қилади.

Исмоил Баётий эса “Аҳком ва уқубатларга оид фиқҳий қоида ва мезон” (Жиноий жазога оид мезон ва қонун - қоидалар) асарида: Фақих олимлар ҳад туридаги жазоларни санаб ўтганлар. Хусусан, Ҳанафий фиқҳ олимлари ҳадд жазоларини беш турга бўлганлар, динидан қайтишга берилган жазони ҳадд жазосига қўшмадилар. Бошқа бир гурӯҳ уламолар эса, ҳад туридаги жазоларни етти турга ажратиб, қасос жазосини ҳам ҳаддга киритганлар.

¹³ Имом Алоуддин Косоний. “Бадоиъ саноиъ фи тартиби шарои”. “Дорул кутуб илмийя”, Байрут. 2010. 9-жилд 176 б.

Чунки, қасос ҳукми ҳам Қуръони карим ояти билан белгиланган жазодир , деб тушунтиришга ҳаракат қилган.¹⁴

Дарҳақиқат, ҳадд туридаги жиноятлар ва жазолар ислом шариатига киритилишидан кўзланган асосий мақсад ёки ҳикмат шундан иборатки, бунда инсонларни жиноят содир этишдан қайтариш, жиноий жазоларни қўллашдан тўсиш, шу билан бир қаторда жамиятни ва ислом шариати умум мақсадлари бўлган инсоннинг ҳаёти, ақл- идроки, обрў- эътибори, дини, мол- мулкини тамойиллар ҳимоя қилиш ёки муҳофаза қилишдан иборатdir.

Умумий тарзда ифодалаганда, ислом ҳуқуқида жазоларни қўллашдан кўзланган асосий мақсад, инсонни жиноят содир этишдан қайтариш, жиноятларни такроран содир этилишига йўл қўймаслик, инсонлар ўртасида содир бўлган келишмовчиликни бартараф этиш, яъни ислоҳ қилиш, уларнинг ахлоқидаги ноқисликни тузатишдан иборат бўлган. Зеро, Имом Мовардий: Ҳад жазолари – яратганинг буйруқларини бажармагандан, қайтарганидан тўхтамагандан Аллоҳ белгилаган тақиқлардир , деб айтган.

Жиноий жазолар – ижтимоий ҳаётда жиноятчиликни олдини олишни мақсад қилиш баробарида жиноят содир бўлиб қолган тақдирда эса, жиноятчини жазолаш орқали ижтимоий адолатни таъминлайди ва жабирдийда томоннинг ўч олинишига тўсиқ вазифасини бажаради. Жазо ижтимоий хусусияти шундан иборатки, жазо ижро қилиш орқали жамиятда тинчлик, тотувлик, фаровонлик рўёбга чиқади, жиноятчилик ва бузғунчиликлар сабабларини бартараф этилади. Буларни барчаси шубҳасиз, ислом ҳуқуқида ҳам давлатнинг жиноят қонунчилигидаги сиёсатга оид принципларини амалда қўллаш билан амалга ошади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ислом шариатининг боқий таълимотларида жамият аъзолари ўртасида ижтимоий адолатни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилгани кўришимиз мумкин.

Демак, ислом шариати кўрсатмаларига кўра, ислом жамиятида бирор бир

¹⁴ Доктор Умар Абдул ғофур Мухаммад ал- Баётӣ. “Ал – қоваид ва зовабит фил аҳкам ва уқубат”. Дорул кутуб илмийя; Лубонн. 2019. 97 б

ҳад туридаги жиноятлар содир этилганда, аввало, қозининг ҳузурида исботланиб, гувоҳларнинг аниқ хужжатлари тинглангандан сўнгра, қози ёки ҳоким ёхуд унинг ўринбосарлари буйруғлари билангина жазо амалга оширилади. Чунки, Аллоҳ таоло: “ эй, иймон келтирганлар, Аллоҳга итоат қилинглар ва унин росули ва ўзингиздан бўлган иш бошларингизга итоат қилинглар¹⁵” деб амр қилган. Зеро, айрим оқимлар ўзларини манфур мақсадларига эришиш учун ислом дининг асл таълимот ва асосларини ўзларини манфаатларига буриш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Масалан, ислом дини кўрсатмаларига кўра, жиноий жазоларни ижро қилишга фақатгина ҳоким, қози ҳамда ваколат берилган (ноиб ва ўринбосар) шахсларнигина ҳуқуқи мавжуд ҳисобланади. Демак, бу илмий иш оқимларнинг қилаётган ушбу даъволари пуч экани ва эзгулик, инсонпарварлик дини бўлган ислом динини ёмон отлиқ қилишга “ хизмат қилаётганини” далил – хужжатлар асосида изоҳлангани билан ҳам эътиборга молик экани таъкидлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абу Бакр ибн Абдулқодир ар-розий. *Мухторус-сүҳоҳ*. Миср: “Вулоқ ал-мисрийя”, 1907.
2. “Ислом энциклопедияси”. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2017.
3. Мавжуда Ражабова. *Ҳуқуқ ва адолат: ўтмиши, бугун, истиқбол*. Тошкент: “Юрист- медиа маркази” нашриёти, 2009.
4. Б. Марғиноний. *Ҳидоя*.
5. Ислом Баётий. *Аҳком ва уқубатларга оид фиқҳий қоида ва мезон*.
6. Доктор Умар Абдул ғофур Муҳаммад ал-Баётий. *Ал – қоваид ва зовабит фил аҳкам ва уқубат*. Дорул кутуб илмийя; Лубнон, 2019.

¹⁵ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад юсуф. “ Тафсир ҳилол”. Шарқ нашриёти, Тошкент. 2008. 5-жилд. 54
www.pedagoglar.org

7. Аллома Роғиб Асфаҳоний. *Мўжсам муфродату алфазил қуръон. “Дорук фикр”* нашриёти, Байрут, 2009.
8. Имом Алоуддин Косоний. *Бадоиу-с-саноиъ фи тартиби-и-шарои.* “Дорул кутуб илмийя”, Байрут, 2010.
9. Аллома Низом. *Ал-фатаво Ҳиндийя.* Лубнон: “Дорул кутуб илмийя” нашриёти, 2015.
10. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад юсуф. *Тафсир ҳилол.* Шарқ нашриёти, Тошкент, 2008.